ERURSEN SHOH, AGAR OGOHSEN SEN, AGAR OGOHSEN SEN, SHOHSEN SEN

# Xabar

10 (807)-son
7-mart
www.xabar.uz
xabar@uzpak.uz
orif@infonet.uz
2008

O'ZBEKISTON ALOQA VA AXBOROTLASHTIRISH AGENTLIGI NASHRI 1992-yil martdan chiqa boshlagan

## Байрамингиз муборак бўлсин, азиз онажонлар, лобар опа-сингиллар!




# "ТШТТ"нинг фидойи санамлари

Тошкент — дунёдаги энг йирик шаҳарлардан бири бўлиб, бу ерда икки миллиондан ортиқ аҳоли истиқомат қилмоқда. Агар пойтахтга келиб-кетувчи меҳмонларни ҳам ҳисобга оладиган бўлсак, телефон хизматига бўлган талаб қанчалик юқори эканлигини тасаввур қилиш мумкин. Шуниси қувончлики, айни пайтда пойтахтда 90дан ортиқ рақамли телефон станциялари 600000 нафар мижозга сифатли хизмат кўрсатмоқда. 20000дан ортиқ оила эса икки ва ундан ортиқ телефонга эга. Биргина ўтган йил бошидан бери телефон станциялари асосий ресурсларини тезкор янгилаш ва такомиллаштириш бўйича инвестиция дастури давом эттирилиб, телефон тармоқлари 100 фоиз рақамлаштирилди. 46000 телефон рақамини блокдан чиқариш бўйича катта лойиҳа амалга ошириляпти. Бу эса табиийки, мижозларга алоқа хизмати кўрсатиш сифатининг ортишига ёрдам бермоқда.

Бугун газетамизнинг 4-5-саҳифаларида "Ўзбектелеком" АК "Тошкент шаҳар телефон тармоғи" филиалида эркаклар билан тенгма-тенг хизмат қилаётган опа-сингилларимиз ҳақида ҳикоя қиламиз.

4-5-БЕТЛАР

Зулфия

## Баҳор келди сени сўроқлаб

Салқин саҳарларда, бодом гулида,
Бинафша лабида, ерларда баҳор.
Қушларнинг парвози, елларнинг нози,
Бахмал водийларда, қирларда баҳор.

Қанча севар эдинг, бағрим, баҳорни,
Ўрик гулларининг эдинг мафтуни.
Ҳар уйғонган куртак, ҳаёт берган каби
Кўзларингга суртиб ўпардинг уни.

Мана қимматлигим, яна баҳор келиб,
Сени излаб юрди, кезди сарсари.
Қишнинг ёқасидан тутиб сўради сени,
Ул ҳам ёш тўкди-ю, чекилди нари.

Сени излар экан, бўлиб шаббода,
Сен юрган боғларни қидириб чиқди.
Ёзиб кўрсатай деб ҳусн-кўркини,
Яшил қирғоқларни қидириб чиқди.

Топмай сабри тугаб бўрон бўлди-ю,
Жарликларга олиб кетди бошини.
Фарҳод тоғларидан дарагинг излаб,
Сойларга қулатди тоғнинг тошини.

...Гул-у райҳонларнинг таралди атри,
Самони қоплади майин бир қўшиқ.
Бу қўшиқ нақадар ошно, яқин,
Нақадар ҳаётбахш, оташга тўлиқ.

Баҳорги бурканган сен севган элда,
Овозинг янгради жўшқин забардас.
Ўлмаган экансан, жоним, сен ҳаёт,
Мен ҳам ҳали сенсиз олмадим нафас.

ALSKOM®
www.alscom.uz
O'ZBEKISTON - ROSSIYA QK SUG'URTA KOMPANIYASI

Кенг қамровли суғурта хизматлари

тел.: (+998 71) 173-80-05, факс: (+998 71) 173-80-06

ИНТЕРНЕТ ҲАМКОРЛАРИМИЗ

UzNet
Internet Service Provider
— сифат рамзидир

Sarkor Telecom®
Internet service provider
— юқори тезликдаги уй Интернети

## JUMADAN — JUMAGACHA

**Матбуотда "Ёшлар йили" Давлат дастури тўғрисида"ги ва "Муддатли ҳарбий хизматнинг белгиланган муддатларини ўтаб бўлган фуқароларни хизматдан бўшатиш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларига навбатдаги чақирув тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарорлари ҳамда "Иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва ижтимоий нафақалар миқдорини ошириш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони эълон қилинди.**

Ўтган ҳафта давомида мамлакатимизнинг барча минтақаларида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатларининг сайловчилар билан учрашувлари бўлиб ўтди. Халқ томонидан сайланган вакиллар учрашувларда Президент Ислом Каримов раҳбарлигида мамлакатимизда амалга оширилаётган бунёдкор ислоҳотлар, қабул қилинаётган янги қонунлар моҳияти ҳақида тушунча бердилар, аҳоли фаровонлигини янада ошириш, минтақалар тараққиётини жадаллаштиришга йўналтирилган чора-тадбирлар хусусида ҳикоя қилдилар, учрашув қатнашчиларини қизиқтирган қатор саволларга жавоб қайтардилар.

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитасининг 2008 йил 4 март куни бўлиб ўтган мажлисида "Ихтиролар, фойдали моделлар ва саноат намуналари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг мутасадди идоралар томонидан ижро этилишини ўрганиш натижалари кўриб чиқилди.**

Брюссел яқинидаги Веммел шаҳарчасида Белгиянинг "Belasia" уюшмаси томонидан ташкил этилган анъанавий "Asia Fair — 2008" сайёҳлик ярмаркаси якунланди.

Халқаро форум доирасида Ўзбекистоннинг сайёҳлик борасидаги салоҳияти тақдимоти бўлиб ўтди. Тадбир иштирокчилари эътиборига ўзбек халқининг бой тарихий ва маданий мероси, юртимиздаги меъморий обидалар, шунингдек, республикамизда турли соҳаларда эришилаётган ютуқлар, хусусан, ҳукумат томонидан сайёҳлик инфратузилмасини янада такомиллаштириш йўлида амалга оширилаётган кенг кўламли чора-тадбирлар тўғрисида ҳикоя қилувчи филм намойиш этилди. Юртимизга бағишланган ва миллий услубда безатилган пештахта кўргазма меҳмонларида катта қизиқиш уйғотди.

**Миллий матбуот марказида Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси томонидан Журналист аёллар клуби, Мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди, Хотин-қизлар қўмитаси ҳамкорлигида ташкил этилган "Атиргул" республика кўрик-танлови ғолибларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.**

## HAY'AT YIG'ILISHIDA

**Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигининг навбатдаги ҳайъат йиғилиши бўлиб ўтди. Уни Агентлик Бош директори, ҳайъат раиси А.АРИПОВ бошқарди.**

Йиғилишда дастлаб Агентликнинг ҳудудий бошқармалар фаолиятини мувофиқлаштириш бўлими бошлиғи Ҳ.Исаевнинг "Агентлик тизимидаги корхона ва ташкилотларда 2007 йил IV чорак давомида ижро интизоми ҳолатини ўрганиш натижалари тўғрисида"ги ахбороти тингланди.



# ИНТИЗОМ БОР ЖОЙДА ЮКСАЛИШ БЎЛАДИ

**Ҳайъатда бу масалага алоҳида эътибор қаратилди**



Ахборотда 2007 йил октябр-декабр ойларида Агентлик тизимидаги Радиочастоталар бўйича Давлат комиссияси, Ўзбекистон телекоммуникация тармоқларини бошқариш республика маркази, Фан-техника ва маркетинг тадқиқотлари маркази, Электромагнит мослашув маркази, Республика махсус алоқа боғламаси, Давлат фелдъегерлик хизмати, Махсус авария-тиклаш бошқармаси, Тошкент ахборот технологиялари университети, Ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш жамғармаси, "Гранит" илмий-ишлаб чиқариш корхонаси, "Ўзинфоком" маркази, Оммавий коммуникациялар соҳасидаги мониторинг маркази, Республика ахборот-кутубхона марказларида соҳага оид Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари, ҳукумат қарорларини бажаришда ижро интизомига риоя қилиш аҳволи ўрганилгани қайд этилди.

Ўрганиш натижаларига кўра, Радиочастоталар бўйича давлат комиссияси, Электромагнит мослашув маркази ва Ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш жамғармаларида ижро интизомига риоя этиш ва уни мустаҳкамлаш бўйича амалга оширилаётган фаолият қониқарли экани таъкидланди. Ўзбекистон телекоммуникация тармоқларини бошқариш республика маркази, Фан-техника ва маркетинг тадқиқотлар маркази, Республика махсус алоқа боғламаси, Давлат фелдъегерлик хизмати, Махсус авария-тиклаш бошқармаси, Тошкент ахборот технологиялари университети, "Гранит" илмий-ишлаб чиқариш корхонаси, "Ўзинфоком" маркази, Оммавий коммуникациялар соҳасидаги мониторинг маркази ва Республика ахборот-кутубхона марказларида эса иш юритиш ва ҳужжатлар талабларига риоя этиш фаолиятларини янада кучайтириш ва мустаҳкамлаш лозимлиги кўрсатилди.

Ҳайъатда Агентлик тизимидаги барча акциядорлик компаниялари, жамиятлар, корхона, ташкилот ва муассасаларига:

- тизимдаги ҳар бир бўғинда иш юритишни амалдаги қонунлар, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга мувофиқ тўлиқ амалга ошириш;
- ҳужжатлар билан ишлашда лоқайдликка чек қўйиш, ижро назоратини кучайтириш чораларини кўриш;
- иш юритиш ва ижро интизомида хато ва камчиликларни олдини олиш юзасидан масъулиятни ошириш;
- жойларда ижро интизомини кучайтириш бўйича самарали чора-тадбирларни амалга ошириш тавсия этилди.

Йиғилишда, шунингдек, "2007 йил Бутунжаҳон радиоалоқа конференцияси ишининг якунлари ва қабул қилинган қарорларни амалга ошириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида"ги масала ҳам кўриб чиқилди. Бу ҳақда Радиочастоталар бўйича давлат комиссияси раиси ўринбосари М.Холмуратова ахборот берди. Ахборотчи 2007 йил 22 октябр-16 ноябр кунлари Женева шаҳрида ўтказилган Халқаро электралоқа итифоқининг Бутунжаҳон радиоалоқа конференцияси (БРК-07) иш якунлари тўғрисида батафсил маълумот берди. БРК-07да Ўзбекистон Алоқа маъмурияти делегацияси Ўзбекистон Республикасининг таклифларига ва АСҲҲ Алоқа маъмуриятларининг умумий таклифларига мувофиқ иш олиб борди.



БРК-07 кун тартибининг бандлари бўйича Ўзбекистон Республикасининг тақдим этган таклифлари ва АСҲҲ Алоқа маъмуриятларининг умумий таклифлари асосан қабул қилинди ва БРК-07 Якуний актларида инобатга олинди.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси делегациясининг Радиоалоқа ассамблеяси ва Бутунжаҳон радиоалоқа конференциясидаги иши қониқарли деб топилди.

Ҳайъатда кўрилган масалалар бўйича тегишли қарорлар қабул қилинди.



***Ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантиришга қаратилган чора-тадбирларнинг амалга оширилиши интернет тармоғидан фойдаланиш бўйича хизмат кўрсатувчи хўжалик юритувчи субъектлар сонини 2006 йилдаги 680тага нисбатан 781тага етказиш имконини берди. Интернет тармоғидан фойдаланувчилар сони 2,01 млн., мобил алоқа хизматидан фойдаланувчилар сони 5,9 млн. кишини ташкил этди.***

***2007 йил давомида маълумотлар узатиш инфратузилмаси фаол ривожланди. Хусусан, оптик-толали алоқа линиялари ва рақамли радиорелейли линиялар узунлиги 10,75 минг км.гача ортди.***

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги ва Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг "2007 йилда Ўзбекистон Республикасини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари" тўғрисидаги маълумотидан.

KASABA UYUSHMALARI HAYOTIDAN

# Асосий мезон — ижтимоий ҳимоя

**"Ўзбектелеком" АК "Навоий Телеком" филиали ҳамда "Ўзбекистон почтаси" ОАЖ Навоий филиали халқ хизматида ҳамиша бирга, ҳамнафас, ҳамқадам. Давр билан ҳамнафас бу икки корхонанинг қувончу ташвишлари орзу интилишлари, кўзлаган марралари бир. Шунинг учун ҳам "Навоий Телеком" филиали ва вилоят алоқа ходимлари бирлашган касаба уюшмаси қўмитаси ўртасида 2006-2007 йиллар учун тузилган жамоа шартномасининг 2007 йилда бажарилишига бағишланган йиғилиш ўтказилган кунда "Ўзбекистон почтаси" ОАЖ Навоий филиали ишчи-хизматчилари ҳам худди ана шундай йиғилишга тўпланиб, жамоа шартномасининг бажарилишига бағишланган масалани муҳокама қилдилар.**

— Маълумки, жамоа шартномаси касаба уюшмаларининг ўз аъзоларини ҳимоя қилиш вазифасини амалга оширишда асосий воситалардан бири ҳисобланади, — дейди вилоят алоқа ходимлари бирлашган касаба уюшмаси қўмитаси раиси М. Норқулова. — Алоқа ходимлари бирлашган касаба уюшмаси бу борада 2007 йилда амалга оширилган ишларни сарҳисоб қилар экан, ишонч билан айтиш мумкинки, кўзланган натижаларга эришилди. Меҳнатга ҳақ тўлаш, турли қўшимча тўловлар, мукофотларга оид бўлимларнинг барча бандлари тўлиқ бажарилди. Кексалар доимо иззатда, деган ақидага амал қилиб, ишлаётган ва ишламаётган пенсионерларга юбилей саналари муносабати билан моддий ёрдамлар кўрсатилишига эришилди. Соҳада узоқ йиллар узлуксиз ишлаганлар рағбатлантирилди. Ишдаги муваффақиятлари учун 40 нафарга яқин ходим вилоят ва шаҳар ҳокимлиги фахрий ёрлиғи билан тақдирланди.

Шунингдек, йил давомида илк бор никоҳдан ўтган, яқин кишиларини дафн этган, ишламаётган ёлғиз пенсионерларга байрам саналарида, қарамоғида ногирон фарзандлари бор ишчи-ходимларга навбати билан моддий ёрдам кўрсатилди. Кам таъминланган оилалардан уч нафарига қорамол олиб берилди. Алоқачи ходимларнинг фарзандлари ёзги мавсумда соғломлаштириш оромгоҳларида бепул дам олдирилди.

"Ўзбекистон почтаси" ОАЖ Навоий филиалида ҳам жамоа шартномасини бажаришда асосий мезон — ижтимоий ҳимояга қаратилди. Филиалда меҳнат қилаётган 536 нафар ишчи-ходимга етарли меҳнат шароитлари яратилди. Шунингдек, 330 ходим тармоқда узоқ муддатли фаолияти учун қўшимча рағбатлантирилишини соҳа фидойиларига эҳтиром намунаси дейиш мумкин.

Маълумки, почта хизматининг ўзига хос мураккаб томонлари бор. Жумладан, хат ташувчиларнинг махсус ҳимоя кийимлари билан таъминланганлиги уларнинг ҳаёти ва меҳнати муҳофазасига жиддий эътибор қаратилаётганлигидан далолатдир.

Бундан ташқари, ишчи ходимларнинг, айниқса, ёшларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказиш ҳамда ёш авлод қалби ва онгида она юртга, Ватанга бўлган муҳаббат, истиқлолга садоқат туйғуларини чуқур сингдириш мақсадида "Алоқа уйи" биносида маънавият ва маърифат хонаси фаолият кўрсатиб келмоқда. Уни Президент асарлари, қонунлар, ҳукумат қарорлари, янги адабиётлар билан бойитишга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Йиғилишларда ходимларнинг саломатлигини муҳофаза қилиш борасида амалга оширилган ишлар, спорт билан шуғулланишларига қаратилган чора-тадбирлар ижроси ҳақида ҳам батафсил сўз юритилди.

*Маруса ҲОСИЛОВА,*
*"Хабар"нинг Навоий вилоятидаги мухбири*

## ЁШЛАР БИЛАН МУЛОҚОТ

Қарши ахборот технологиялари касб-ҳунар коллежида "Ёшлар — халқимиз, Ватанимиз келажаги, бугунги ва эртанги куннинг ҳал қилувчи кучи" мавзуида семинар бўлиб ўтди.

Семинарни коллеж директори, иқтисод фанлари номзоди Ғайрат Убайдуллаев кириш сўзи билан очиб, мамлакатимизда ислоҳотларнинг амалга оширилишида ёшларнинг ўрни ва ҳиссаси тўғрисида сўз юритди.

Ўзбекистон ХДП Қарши шаҳар кенгаши томонидан ташкил этилган семинарда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари — Машкура Сафоева ва Собир Турсунов қонунларнинг қабул қилиниши тартиби, бу борада сиёсий партияларнинг иштироки ҳақида атрофлича тўхталдилар. Мазкур партиянинг Қарши шаҳар кенгаши раиси Комила Каромова "Ёшлар йили Давлат дастури" ва унинг устувор йўналишлари ҳақида тўхталди.

Семинарда коллежнинг ўқитувчи ва талабалари ушбу йилда ёшларга яратилаётган имкониятлар, уларни иш билан таъминлаш, ижтимоий муҳофаза қилиш масалаларига оид саволларига атрофлича жавоб олдилар. Талабалар юрт ва диёрни улуғловчи шеърлардан намуналар ўқидилар.

*Ўз мухбиримиз*



**Фикр**

Ёшлик шу нарса билан бахтиёрки, унинг келажаги бор.

Н.ГОГОЛ

## Филиалимиз талабалари "Заковат"да

Кейинги пайтларда истеъдодли ва иқтидорли ёшларни қўллаб-қувватлаш мақсадида турли танловлар, илмий-амалий анжуманлар, интеллектуал ўйинлар ва фестиваллар ўтказишга катта эътибор берилаяпти.

ТАТУ Урганч филиали талабалари ҳам турли танловларда, илмий анжуманлар ва олимпиадаларда фаол иштирок этиб келишмоқда. Жорий йилнинг 24 феврал куни пойтахти азим Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта-махсус таълим вазирлиги ҳамда "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати марказий кенгаши томонидан III Республика "Заковат" интеллектуал фестивали ўтказилди.

Фестивалда бир қанча олий таълим муассасаларининг талабалар жамоалари қатнашдилар. Фестивал баҳс-мунозараларга бой, муросасиз ва қизиқарли тарзда ўтди. Унда ТАТУ Урганч филиалининг "Хакер" жамоаси ҳар томонлама ўз тенгдошларидан устун эканликларини намойиш эта олишди. Гарчи филиал жамоаси бу интеллектуал фестивалда илк бор қатнашаётган бўлса-да, яхши натижаларга эришиб, фестивал ташкилий қўмитаси томонидан "Фахрий ёрлиқ" билан тақдирланди. Филиалимиз талаба ёшлари келгусида илм-фаннинг янада юксак чўққиларини забт этиш учун ўзларининг бор билим ва куч-ғайратларини аямайдилар.

*Динора СОБИРОВА,*
*ТАТУ Урганч филиали 2-босқич талабаси*

## Талабалар янги тураржойи

**ТАТУ Қарши филиали талабалари учун барча қулайликларга эга бўлган, замонавий тураржой фойдаланишга топширилди.**

2007 йилда қурилиш ва қайта капитал таъмирлаш ишлари бошланиб, қисқа вақт ичида 60 ўринга мўлжалланган 2 қаватли талабалар тураржойи мебеллар билан ҳам таъминланди. Ошхона, дам олиш хоналари зарур воситалар ва жиҳозларга эга. Эътиборли томони шундаки, талабаларнинг бўш вақтларини кўнгилли ҳамда мароқли ўтиши учун маънавият маркази ташкил этилган. Марказ бадиий ва электрон адабиётлар, кундалик даврий нашрлар билан бойитилди. Ахборот-коммуникация технологияларининг янги авлоди орқали ёшлар интернет тармоғидан фойдаланишлари мумкин.

Вилоятда феврал-апрел ойлари ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ойлиги деб эълон қилинди. Шу боис, ётоқхона атрофига минг тупдан ортиқ манзарали дарахт кўчатлари экилди. Ташкил этилган «Камолот» бўғида филиал профессор-ўқитувчилари ва талабалари янада кўпроқ мевали ва манзарали дарахт кўчатларини ўтказиш, атрофни кўкаламзорлаштириш ишларини бошлаб юборишди.

— Мен Шаҳрисабз туманиданман, — дейди 1-босқич талабаси Феруза Очилова. — Шу вақтга қадар Қарши туманининг Мирмирон қишлоғида ижарада туриб ўқирдим. Талабалар тураржойи ишга тушмасдан илгари ижара ҳақи тўлаш, қатнаб ўқишга келиш каби муаммолар бор эди. Эндиликда буларнинг барчаси барҳам топди. Шинам ва барча шароитларга эга хонада яшаяпман. Мен сингари олисдан келиб таҳсил олаётган талабаларнинг орзулари амалга ошди.

— Менинг исмим Муҳаммад Бахтиёр деб таништирди ўзини 1-босқич талабаси. — Ётоқхона фойдаланишга топширилмасдан олдин хусусий меҳмонхоналарнинг бирида яшардим. Ётоқхонанинг мен яшаб келган меҳмонхонадан қолишадиган жойи йўқ.

3-босқич талабаси Икром Раҳмонқулов эса ўз фикрларини қуйидагича баён этди.

— Мен Косон туманиданман. Шу пайтга қадар қатнаб ўқирдим. Йўлга кетган вақтим ҳам, сарфлайдиган маблағим ҳам тежалди. Тенгдошларим билан бўш вақтимизда ўз устимизда ишлаб, машғулотларни ўзлаштиришга ҳаракат қиляпмиз. Ҳозир хонамиз кенг ва ёруғ, юмшоқ мебеллар, дам олиш хоналари, маънавият маркази ихтиёримизда.

Олдинда режалар бисёр. Ётоқхона ҳудудида спорт майдончасини ташкил этиш, талабаларнинг маиший юмушини енгиллаштириш учун қўшимча бинолар қуриш шулар жумласидандир.

*Афтондил ИСМОИЛОВ*

● *Филиалда қурилиш ишларига жиддий эътибор қаратилиб, бу иш учун 575408 минг сўм, жумладан, қурилиш-монтаж ишларига 374949 минг сўм сарфланди. Аҳолининг алоқа хизматига бўлган талаб ва эҳтиёжларини қондиришда телефон ва мултимедиа хизматлари, маълумотлар узатиш пакети, юқори тезликдаги ахборотлар оқимини мужассамлаштиришни таъминловчи юқори қувватли станциялараро оптик тармоқнинг аҳамияти катта бўлмоқда.*

● *Бугунги кунда тармоқдаги янги онлайн ўйинлари (компютерларни бирлаштириш), хонадон тармоғида IP-телефония, мусиқа ва видео ўрнатиш, ISDN, xDSL, Ethernetдан фойдаланишнинг кенг саҳифали технологияларига эҳтиёж катта бўлиб, мижозлар алоқа хизматининг қўшимча ана шундай турларидан фойдаланишни бошлаб юбордилар.*

● *"ТШТТ" филиали қулай нархлардаги юқори сифатли Интернет ва маълумотлар узатиш хизматларини ҳам кўрсатмоқда. Мижозларга хонадонлар учун ва корпоратив кўринишдаги янгиликлардан бири — видеотелефония хизмати тақдим этиляпти. Телефон аппаратингиз устидаги кичкина экранда суҳбатдошингиз чеҳрасини кўриб турсангиз қандай яхши. Шунингдек, мижозларга IPTV хизматлари ҳам тақдим этилмоқдаки, бу ҳам сўнгги янгиликлардан биридир.*

● *Филиалда ходимлар малакасини оширишга ҳам катта аҳамият берилмоқда. Ёш мутахассислар янги DWDM технологияларини ўзлаштириш мақсадида чет эл ўқув марказларида таҳсил олиб қайтишяпти.*

● *Алоқа хизматлари учун ҳисоб-китоб қилишда абонентлар биллинг (автоматлашган ҳисоб-китоб) тизимидан фойдаланмоқдалар.*

● *Корхонада хайрия ишларига эътибор юқори. Ўтган йил давомида 58 нафар ёлғиз пенсионер ва ногирон хонадонига бепул телефон ўрнатиб берилди. Узоқ йил ишлаб, корхона ривожига улкан ҳисса қўшган ходимларнинг телефонлари учун абонент тўлови ишхона ҳисобидан қопланмоқда.*

## Меҳру ҳурматимиз Сизга, аёллар!

"Тошкент шаҳар телефон тармоғи" филиалида эркаклар билан елкама-елка меҳнат қилиб, эл олқишига сазовор бўлаётган муҳтарама опа-сингиллар!

Сизларни ва Сизлар орқали республикамиз алоқа корхоналарида самарали фаолият юритаётган барча аёлларни 8 март — Халқаро хотин-қизлар куни билан табриклайман. Барчангизга мустаҳкам соғлиқ, оилавий бахт, ишларингизда ривож тилайман.

Бахтимизга ҳамиша соғ-омон бўлинг, азизлар!

***Абдурашид АБДУМЎМИНОВ,***
***"Тошкент шаҳар телефон тармоғи" филиали директори***

# "ТШТТ"нинг Ҳамкорлик




**Аёллар... Ишда эркаклар билан бир сафда, улардан қолишмай меҳнат қиладиган илғор ходима, оилада саранжом-саришта бека, турмуш ўртоғига вафоли ёр, фарзандларига меҳрибон она улар. Ана шу хислатлари туфайли қадр топаётган, эъзозланаётган аёлларни республикамиз халқ хўжалигининг барча жабҳаларида учратиш мумкин. Айниқса, алоқа ва ахборотлаштириш соҳасини ривожлантиришда аёллар қўшаётган ҳисса салмоқли.**

"ТШТТ" филиалида меҳнат қилувчи аёллар билан боғлиқ муаммоларни ҳал этишда тажрибали алоқачи, шаҳарлараро сўзлашувлар ҳисоб-китоб хизмати бошлиғи Насиба опа Аҳмедова бошчилик қилаётган хотин-қизлар қўмитасининг ўрни катта.

Филиалда ишловчи аёллар фикр доирасини юксалтириш, оилавий шароитига қараб маънавий, керак бўлса, раҳбарият орқали моддий кўмак бериш қўмита аъзоларининг асосий мақсадларидан биридир.

— Биз бу вазифаларни амалга оширишда маънавият ва маърифат бўлими ходимлари билан ҳамкорликда иш олиб борамиз, — дейди Насиба опа мамнуният билан. — Айниқса, йилда бир марта ўтказаётганимиз — "Балли, қизлар!" кўрик-танлови қизиқарли ташкил этилмоқда.

***Суратда: Насиба АҲМЕДОВА хотин-қизлар қўмитаси аъзолари билан навбатдаги масала муҳокамаси пайтида.***

## Улар доим ардоғимизда

Филиалимизда 1360 нафар опа-сингилларимиз эл хизмати йўлида бизга камарбаста бўлмоқдалар. Уларни доимо меҳр ардоғимизда сақлашга ҳаракат қиляпмиз. Зиммаларига юклатилган вазифа масъулиятини ҳис этиб ишлашлари, фидойи ва жонкуярлиги билан ана шундай эътиборга сазовор улар. Шунинг учун ҳам қадрли аёлларимизнинг унумли меҳнат қилишлари учун имкон қадар шароит яратиб беришга ҳаракат қиляпмиз.

Уч ёшгача бўлган фарзанди бор ёш оналарнинг иш вақти бир соатга қисқартирилгани (маошга таъсирсиз), 12 ёшгача фарзанди бор аёлларнинг меҳнат таътилига 2 кун (пуллик) қўшиб, турмушга чиқаётган қизларимизга (ёки фарзанди тўйини ўтказаётган оналарга), янги уйга кўчаётган аёлларга уч кунлик (иш ҳақи сақланган ҳолда) таътил, турмушга чиқаётган қизларимизга энг кам иш ҳақининг 10 баравари миқдорида моддий ёрдам берилиши уларни қўллаб-қувватлаш борасидаги имтиёзлардир.

Аёлларимизни ҳар йили тиббий кўрикдан ўтказамиз ва зарур бўлса даволанишлари учун имконият яратамиз. Зеро, муҳтарама аёлларимизни ҳар томонлама қўлламоқ бурчимиздир.

***Асқар АБДУЛЛАЕВ,***
***филиал касаба уюшмаси қўмитаси раиси***

## Алло, сизни "09" эшитади





"Тошкент шаҳар телефон тармоғи" филиалининг шундай бир тармоғи борки, у ерда иш бир зум ҳам тўхтамайди. Ярим кечаси қўнғироқ қиласизми ёки тушлик пайти, гўшак кўтарилади ва мулойим овоз эшитилади: "Алло, сизни "09" эшитади". "09" — бу корхона ва ташкилотлар ("009" — аҳоли, "064" — "ТШТТ" филиали)-га хизмат кўрсатувчи ахборот-маълумот хизмати цехи бўлиб, бу ерда 74 нафар ходим куннинг ҳар бир дақиқасида мижозлар хизматида бўлишади.

— Авваллари мижозларга картотекалар орқали маълумот берилар эди, — дейди цех бошлиғи Элмира Исҳоқова. — Айни пайтда барча маълумотлар компютер дастурига киритилган. Бу эса мижоз сўраган рақамни ғоят қисқа фурсат ичида топиб беришимизга сабаб бўляпти.

Цехда телефончиларнинг унумли ишлаши учун барча шароитлар яратилган. Чиройли таъмирланган зал кенг ва ёруғ. Дам олиш ва овқатланиш хоналари улар ихтиёрида. Иш вақти олти соатни ташкил этади, меҳнат таътилига уч кун қўшиб берилади.

— Бу ерда меҳнат қилаётганимга 30 йил бўлди, — дейди бажараётган ишидан қониқиши кўзларида акс этиб турган Евгения Мартиненко. — Илгарилари шароит оғир эди. Ҳозир аҳвол мутлақо бошқача. "Ўзбектелеком" АК ҳамда "ТШТТ" раҳбарлари унумли меҳнат қилишимиз учун барча шароитларни яратяпти. Шундай бўлгач, ишлаб чарчамас экансан киши.



## Она йўлидан

Севара опа Юсупованинг иқтисодий таҳлил, прогнозлаш ва тарифлар бўлимида етакчи иқтисодчи сифатида анча йилдан бери ишлаши боис, оилада алоқачилик касби, унинг машаққатли ва шарафли томонлари ҳақида кўп гапириларди. Бу беиз кетмади, албатта. Опа фарзандлари қалбида ҳам алоқачилик касбига меҳр уйгота олди. Бугунги кунда катта ўғли Дониёр Фан-техника ва маркетинг тадқиқотлари марказида етакчи муҳандис, қизи Наргиза "09" ахборот-маълумот хизматида телефончи, кичик ўғли Отабек эса станциялараро алоқа боғламасида ишламоқда.

Шунинг учун ҳам Севара опа пенсияга кўнгли тўқ ҳолда кетяпти. Чунки, фарзандлари изидан бориб, эл хизматида бўлишларига фахрий алоқачининг ишончи комил.

# Фидойи санамлари

Алоқачи... Одамларнинг узоғини яқин, ҳожатини равон қилувчи касб эгалари улар. Шунинг учун ҳам бу соҳада ишловчиларга бошқалар ўзгача эътибор билан муносабатда бўладилар, ҳурмат қиладилар. "ТШТТ" Чилонзор филиалига қараш-ли 170-АТС станция муҳандиси Замира Асқарова ҳам ана шундай эл эътиборидаги алоқачилардан бири. Замирахон 26 йилдирки, алоқачиликдек шарафли касбда ишлаб, минглаб одамларнинг миннатдорчилигини эшитишга муваффақ бўляпти. Мижозларнинг юрак тубидан чиқаётган бундай илиқ сўзлар Замирахоннинг кучига куч, ғайратига ғайрат қўшади. Шунинг учун ҳам у доимо ёшлардай шижоат билан меҳнат қилади, юзидан табассум аримайди.

## Филиалнинг фахри



Замира Асқарова дастлаб АТСда электромеханик бўлиб ишлай бошлаганида алоқачилик касбини бу қадар ёқтириб қоламан деб ўйламаганди. Бўйидан баланд техникалар уни чўчитарди. Аста-секин ана шу техникаларнинг қанчалик аҳамиятли, қанчалик муҳимлигини ҳис қилиб, астойдил ишлашга киришди. Тошкент электротехника алоқа институтининг кечки бўлимида ишдан ажралмаган ҳолда ўқиши бу борада яқиндан кўмак бўлди. У олийгоҳни битиргач, аввал муҳандис, сўнгра станция муҳандиси бўлиб ишлай бошлади.

— 170-АТС "Италтел" билан ҳамкорликда 1997 йилда бир йўла электрон станция сифатида бунёд этилди, — дейди Замирахон. — Италиялик ҳамкасбларимиз станцияни тўлиқ ишга туширишимизда яқиндан ёрдам беришди. Кейинчалик Москва шаҳрида ўқиб, малакамни ошириб қайтдим. Менинг шу даражага етишимда яқиндан ёрдам берган Саидакбар Ағзамов, Абдулла Алимбоев, Елена Шевченко каби устозларимдан бир умр миннатдорман.

Ҳа, бир вақтлар шогирд сифатида иш ўрганган Замира Асқарова бугун ўзи устоз, "ТШТТ" филиалининг фахри.

## Тажрибали Мила опа



"ТШТТ" филиалида узоқ йиллар самарали меҳнат қилган фидойи аёллар ҳақида гап кетгудай бўлса, албатта, Мила Вишнякова номи биринчилардан бўлиб тилга олинади. Бу бежиз эмас. Унинг алоқа соҳасида ишлаётганига 40 йил тўлди.

Мила Майоровна болалигидан илмга чанқоқ, ҳаракатчан эди. У, айниқса, ҳисоб-китобга оид фанларни яхши ўзлаштирарди. Лекин мактабни битиргач, ишлашга қарор қилди. Мақсади ҳаёт синовларида чиниқмоқ эди.

— Илк меҳнат фаолиятимни Чилонзор телефон тармоғида ҳисоб монтёрлигидан бошладим, — дейди Мила Майоровна. — Уч йилдан сўнг иқтисодчилик вазифасига ўтказишди. Бу вақтда Тошкент халқ хўжалиги институтида сиртдан ўқидим. Ўқишимни битиргач, 1975 йилда Тошкент шаҳар телефон тармоғига молия-режа бўлими бошлиғи вазифасига ўтдим. Ўшандан бери шу вазифада ишлаяпман.

Мила Вишнякова қисқа қилиб санаб ўтган йиллар ортида қанчадан-қанча қийинчилигу машаққатлар ётибди. Филиалнинг энг муҳим тармоғини бошқариш ундан ўз устида доимий ишлашни, аниқ ҳисоб-китобни талаб қилиши табиий. Ана шу ишларни тўлиқ уддалагани унга берилган мукофотларда ҳам акс этиб турибди. Дарвоқе, қизи Наталя ҳам она касбини танлаган — алоқачи.

**Фикр**

*Аёлларни севинг ва иззат қилинг, улардан фақат юпанч эмас, балки илҳомингизга куч, маънавий ва ақлий қобилиятларингизни икки баробар оширувчи қудрат ахтаринг.*

*Ж.МАТЗАКИ*

## БУНЧА МУНАВВАРСИЗ, ОНАЖОН!

*Кўнгил ярим, ярим рўзғор умрингиз,*
*Барчага бир ипак майин дилингиз,*
*Бир бора ҳам уф демаган тилингиз,*
*"Бардош" деган боғ яратди қўлингиз.*

*Боғингизнинг соясида яйрадик,*
*Меҳрга ғарқ мевасидан баҳраманд.*
*Унга қуш ҳам қўнишига қўймадик,*
*Ёлғиз кўнгил дардларидан бехабар.*

*Қай бирига армон қилай онажон,*
*Қай бирига пушаймоним айтайин.*
*Бахшида умрингиз менга тану жон,*
*Пойингиз остини жаннат билайин.*

*Исмингизга монанд жисмингиз тайин,*
*Фаришта мисолсиз, мунис, меҳрибон.*
*Ёшингиз қанчалар улғайган сайин,*
*Ортиқ Мунаввварсиз бунча, онажон!*

**Матлуба НАСРИДДИНОВА, "ТШТТ" ходими**





***Филиалнинг корхоналар билан шаҳарлараро сўзлашувлар ҳисоб-китоб бўлими мижозлар энг кўп мурожаат қиладиган жой. Улар билан чиройли муомалада бўлиб, ҳожатини чиқариш осон иш эмас. Бу борада бригада бошлиғи Олга ДОМНИНА (ўнгдаги суратда) бошқаларга ўрнак.***

*Саҳифаларни Муборак МИРКАМОЛОВА тайёрлади*


ЭЛЕКТРОМАГНИТ МОСЛАШУВ МАРКАЗИ
жамоаси
Садоқат ва эзгулик тимсоли бўлмиш аёлларимизни Халқаро хотин-қизлар байрами билан табриклайди.
Сизга бахт-саодат, мустаҳкам соғлиқ, хонадонингизга фаровонлик тилаймиз!


ДАВЛАТ АЛОҚА ИНСПЕКЦИЯСИ
ЖАМОАСИ
Юртимиз хотин-қизларини нафосат байрами — 8 март билан табриклайди.
Ушбу кунларда Сизларга қалбимиздаги энг эзгу тилакларимизни йўллаётганимиздан бахтиёрмиз.
Нафосат ва гўзаллик Сизларни ҳеч қачон тарк этмасин!


"O`ZBEKTELEKOM" AK
"ФАРҒОНА ТЕЛЕКОМ"
ФИЛИАЛИ ЖАМОАСИ
Мамлакатимиз аёлларини Халқаро хотин-қизлар куни билан муборакбод этади.
Кўклам нафаси тобора яқинлашиб келаётган ушбу кунларда сизга энг эзгу тилакларимизни йўллаётганимиздан бахтиёрмиз.
Азиз опа-сингиллар!
Доимо толеингиз баланд, умрингиз узоқ, насибангиз зиёда бўлсин!


"ЎЗБЕКИСТОН ПОЧТАСИ" ОАЖ
АНДИЖОН ФИЛИАЛИ ЖАМОАСИ
Ўзбекистон хотин-қизларини гўзаллик ва нафосат байрами —
8 март
билан муборакбод этади.
Кўкламнинг илк айёми Сизга бахт-саодат, хушкайфият ҳадя этсин.
Бахтимизга доимо соғ-саломат бўлинг!

"O`ZBEKTELEKOM" AK
"ТОШКЕНТ ШАҲАР ТЕЛЕФОН ТАРМОҒИ"
ФИЛИАЛИ ЖАМОАСИ

8 март –
Халқаро хотин-қизлар айёми билан мўътабар онахонларимизни, қадрли опа-сингилларимизни самимий қутлайди.

Муҳтарама аёллар!
Хонадонингиздан ҳеч қачон тинчлик-тотувлик, қут-барака аримасин!

Ҳамиша иқболингиз баланд, умрингиз узоқ, ризқ-насибангиз зиёда бўлсин!

"ЎЗБЕКИСТОН ПОЧТАСИ" ОАЖ
ҚАШҚАДАРЁ ФИЛИАЛИ ЖАМОАСИ

Мамлакатимизнинг барча аёлларини, жумладан, алоқа ва ахборотлаштириш тизимида меҳнат қилаётган опа-сингилларимизни
Халқаро хотин-қизлар куни
билан қутлайди.

Сизларга сиҳат-саломатлик, бахт-саодат, хонадонингизга тинчлик-хотиржамлик, дастурхонингизга файзу барака тилаб қоламиз.

Ҳаётнинг ҳар лаҳзаси сизга қувонч ва бахт келтирсин!

МАХСУС АВАРИЯ-ТИКЛАШ БОШҚАРМАСИ ЖАМОАСИ

Юртимиз хотин-қизларини
8 март
байрами билан табриклайди.

Азиз аёллар!
Сизларга туганмас бахт-саодат тилаган ҳолда барча эзгу ниятларингиз амалга ошишини истаб қоламиз.

"O`ZBEKTELEKOM" AK
"САМАРҚАНД ТЕЛЕКОМ"
ФИЛИАЛИ ЖАМОАСИ



Алоқа ва ахборотлаштириш соҳасида меҳнат қилаётган барча аёлларни гўзаллик ва баҳор айёми –
Халқаро хотин-қизлар
байрами билан
муборакбод этади.

Истагимиз – хонадонингиз янада фаровон, дастурхонингиз тўкин бўлсин.

Шодлик ва бахт-саодат доимий ҳамроҳингизга айлансин!

ALOQACHI IJODKOR HAYOTIDAN



**Гулчеҳра ҳар гал Сафар Тошбоев билан саломлашганда, беихтиёр ишга қабул қилинган кунни ёдга олади. Ўшанда туман алоқа боғламаси бошлиғи ҳақ гапни айтган эди. Чиндан ҳам инсон одоби комиллик белгиси экан. Дарҳақиқат, у интизоми, зиммасидаги бурчга масъулияти билан уч ойлик синов давридан муваффақиятли ўтди.**

# Қўлга қалам олган аёл

— Бу синглимиз жамоада ўз ўрнини топди, — деди Сафар ака мамнунлик билан. — Бугундан бошлаб почта хизмати оператори вазифасига қабул қилинди.

Кичик доирадаги мажлисда соҳанинг тажрибали ходимлари — Валентина Рабатяга, Тамара Байсаитовалар ҳам раҳбар қарорини маъқуллаб гапиришди. Улар ёш ходимга мураббийлик қилишни зиммаларига олишди.

Гулчеҳра Исматованинг севимли соҳасига қадам қўйганига қарийб ўттиз йил бўлибди. Ўтган давр жамоа ҳамда почта хизматидан манфаатдор мижозлар ҳурмат-эътиборини қозонишга кенг имкон берди. Айни пайтда у Музработ туман почта алоқаси тармоғи муҳандиси лавозимида ишламоқда.

Тумандаги 13та алоқа бўлимининг фаолиятини назорат қилиш ва мувофиқлаштириб бориш тармоқ мутахассисидан катта масъулият талаб этиши табиий. Аммо Гулчеҳра аёл боши билан бунинг уддасидан чиқмоқда. Тез-тез алоқа бўлимларида бўлиб, шарт-шароитлар билан танишади. Ходимлар таклифини ўрганади. Ҳудудда истиқомат қилаётган пенсионерлар суҳбатига қулоқ тутади. Кундалик фаолиятга доир заррача эътироз билдирилса ҳам унга бепарво бўлмайди. Айтилган камчиликнинг қанчалик тўғрилигини аниқламагунча тадқиқот ўтказишдан толмайди. Унинг шундай профессионал маҳорати деярли барча алоқа бўлимларида ижро интизомини таъминлашга хизмат қилмоқда.

"Қўнғирот" тумандаги энг катта алоқа бўлими ҳисобланади. Ғуломбой Нормуродов бу шахобчага кўп вақтдан бери раҳбарлик қилиб келмоқда. "Қўнғирот"нинг тезкор хизмат кўрсатиш борасидаги ибрат олса арзигулик тажрибаси Гулчеҳра Исматова эътиборидан четда қолмади. Зудлик билан уни бўлимлараро кенг ёйиш таклифи билан чиқди. Туман почта алоқаси тармоғи бошлиғи Абдуғани Жўраев ҳам янгиликка хайрихоҳлик билдирди. Натижада кўплаб бўлимлар намуна олишга интилишди. Зотан, "Қўнғирот"нинг жаҳон андозалари даражасида замонавийлаштириладиган алоқа бўлимлари сафидан биринчилар қатори ўрин олгани ҳам бежиз эмас.

Иш кунларининг бирида туман почта алоқаси тармоғининг ёш ходимларидан Хадича Холматова ҳамда Орифжон Кенжақуловлар тармоқ мутахассиси ҳузурига хурсанд ҳолда кириб келишди.

— Опажон, шоиралик санъатингиз борлигидан рости бехабар эдик, — деди Хадичахон табассум билан. — Мана бу газетада шеърларингизни ўқиб жуда севиндик. Гулчеҳра табиатига хос вазмин оҳангда.

— Ҳа, баъзан илҳом келиб қолганда қўлга қалам олиб тураман, — деб қўйди.

— Илтимос, "Эркаланг бир зум" шеърингизни ўзингиз ўқиб беринг, — дейишди ёшлар "Жануб вақти" газетасини тутқазиб. Улар таклифи инобатсиз қолмади. Гулчеҳра кўнгил арғумонини ёддан изҳор эта бошлади:

*Юрагим бошқани демаса, нетай,*
*Кўзларим бошқани кўрмаса, нетай.*
*Мен билиб сизни севдим атай,*
*Келинг, мени ҳам эркаланг бир зум.*

Гулчеҳра Исматова ижодида нафақат бу каби меҳр-муҳаббат туйғулари акс этган, балки касбдошлари ҳаёти тараннум этилган шеърлар ҳам талайгина. Уларни ўқир эканснз, бир қарашда оддий туюладиган, аслида эса катта савоб ишга йўғрилган хизмат моҳиятини англагандай бўласиз. Бу ўринда унинг "Хабарчи" шеъри характерлидир. Дарвоқе, бу ижод намунасида шундай мисралар бор.

*Муҳтожларга меҳрибон,*
*Тенг қараган хабарчи.*
*Кўнгил овлаб мулойим,*
*Ҳол сўраган хабарчи.*

Гулчеҳра Исматова "Ўзбекистон почтаси" ОАЖ Сурхондарё филиалининг Музработ туман почта алоқаси тармоғи муҳандиси сифатида ўз вазифасини сидқидилдан бажариш билан бирга соҳа ижодкор ходимлари орасида ҳам ўз ўрнини топган. Айни чоғда у туман, вилоят ва республика матбуотида эълон қилинган ижод намуналари жамланган илк тўпламини нашрдан чиқариш нияти билан яшамоқда. Гулчеҳранинг тонгдек мусаффо орзу-умидлари ушалишига биз ҳам тилакдошмиз.

**Нортожи ЗИЁЕВ,**
***"Хабар"нинг Сурхондарё вилоятидаги мухбири***

# Эзгулик ҳамиша ҳамроҳингиз бўлсин

*Баҳорнинг энг нафис дамларида фақат эзгулик ва яхшиликлардан сўзлагинг келади. Бинобарин, севимли газетамизнинг мен учун бераётган ушбу имкони ҳам ғоят қувончбахш инъом — яхшиликдир.*

*Филиалимизда иш бошлаганимга 20 йил бўлганини сезмай ҳам қолибман. Бу ҳам меҳнат жамоамнинг яхшилиги шарофатидан бўлса керак. Касбингни, жамоангни севсанг вақт тезда ўтаркан. Жамоада менга ҳамма, мен ҳаммага керак эдим. Бағрикенг, билимдон, зиёли одамлар меҳри-тафтидан баҳраманд шодумон яшадим. Энди билсам жамоамга кераклик бахтига интилиб, унга етишиб умр кечирибман. Одамлар роҳати, манфаатлари йўлида елиб-югуриб кам бўлмадим, ҳурмат-эҳтиром топдим.*

*Шуни хушнудлик билан айтишим керакки, ҳаётимизга корейс филмлари кириб келганидан буён ҳамкасбларим билан муносабатларим янада гўзалроқ бўлиб қолди. Урф-одатларимиз, қадриятларимиз ўхшаш ва яқинлигидан беҳад бахтиёрман. Мен буларнинг ҳаммаси учун Тангри таолога минг карра шукроналар айтаман.*

*Баҳорнинг биринчи байрами билан юртимиздаги барча аёлларни, жумладан, алоқачи аёлларни самимий қутлар эканман, ҳаммаларига севинчга умид боғлаб, ўзингизга берилган қимматли вақтдан ақллироқ, яхшироқ ва етукроқ бўлиш учун фойдаланиб қолинг, деймаи.*

*Фурсатдан фойдаланиб, узоқ давом этаётган беморлик пайтимда унутмай йўқлаб турган раҳбариятимизга, Азиза Абдуллажонова, Гулноза Хабилова, Анжела Маева, Элвира Отажонова, Зулфия Фозилова сингари меҳри дарё ҳамкасб сингилжонларимга ўзимнинг чексиз миннатдорчилигимни изҳор қиламан, ҳозирги саодатмандлик бир умр тарк этмасин, дейман. Сизларга мустаҳкам саломатлик, узоқ умр, фарзандлар камолини кўришликни Яратгандан сўраб қоламан.*

***Алла ХАГАЙ,***
***"Фарғона Телеком" филиали ходими***

HAMKASBLARIMIZ



**Бу соҳа ходимлари ҳақида сўз кетганда "идорамизнинг молия вазири" деган ибора тез-тез қулоғимизга чалиниб туради. Бу рост гап. Чунки, ҳар бир идора, ташкилот ва уюшманинг ўз ҳисоб-китоби бўлиши шарт. Ҳолбуки, топилган даромаднинг ўз ўрнида ишлатилиб, тақсимланиши ва ҳисоб-китоб ишларининг тўғри ташкил қилиниши кўп жиҳатдан идора бухгалтерининг зиммасидаги вазифалардир.**

# Хўжайлилик ҳисобчи

Дастагул Аллаярова Тошкент халқ хўжалиги институти иқтисод факултетини тамомлагач, 1993 йил Хўжайли почта алоқаси тармоғига бухгалтер вазифасига ишга қабул қилинди. Иқтисод мутахассислигига эга бўлса-да, амалий тажрибага эҳтиёж сезилганди. Ҳисоб-китоб сирларини пухта ўрганишида тажрибали бухгалтер Йўлдош ака Исмоиловнинг ёрдами кўп тегди. Тиришқоқ, ўз ишига виждонан ёндашган Дастагул оз вақт ичида етук мутахассис бўлиб етишди. У айни дамда идоранинг бош бухгалтерлик вазифасини сидқидилдан бажариб келмоқда.

Тумандаги 140 мингдан кўпроқ аҳолига хизмат кўрсатаётган 16та алоқа бўлими ҳисоб-китобининг тўғри йўлга қўйилишида, шубҳасиз, Дастагулнинг ўрни катта. Тумандаги ўн беш мингдан ортиқ нафақачига пенсияларни ўз вақтида тўғри ҳисоблаш унинг энг масъулиятли вазифаларидан биридир. Бу борада унга шогирдлари Замир Торекешов ва Манзура Жумабоевалар ёрдам бермоқдалар.

Дастагул жамоат ишларида ҳам фаол қатнашади, касаба уюшмаси аъзоси сифатида ўтказиладиган байрам, спорт ва бошқа тадбирларга бош-қош, ёшларнинг барча талабларини амалга ошириш учун ҳаракат қилмоқда.

Ўз касбининг устаси бўлган Дастагул оилада бахтиёр она, суюкли рафиқа. У турмуш ўртоғи Жалгасбай Нуримбетов билан икки ўғил ва бир қизни чин инсонлар қилиб вояга етказмоқда. Катта ўғли Ислом Тошкент алоқа касбҳунар коллежида таҳсил олмоқда.

— Жамоамизда ўз ишининг билимдонлари меҳнат қилишади, — дейди Д.Аллаярова. — Ҳаммамиз бир оила фарзандларидек аҳилмиз. Доимо бир-биримизни қўллаб-қувватлаймиз, ўзаро ёрдамимизни аямаймиз. Тотувлик бор жойда барака, ишда унум бўлишига ишонамиз. Шундай жамоада ишлаётганимдан бахтиёрман.

***Раҳимжон БОЛТАБОЕВ,***
***"Хабар"нинг Қорақалпоғистон Республикасидаги мухбири***

# “ЧИРКОМ”
## ҚЎШМА КОРХОНАСИ ЖАМОАСИ

Ўзбекистон хотин-қизларини
гўзаллик ва баҳор байрами –
**8 март**
билан самимий қутлайди.

Қадрли ва меҳрибон аёллар!
Сизларга сиҳат-саломатлик,
хонадонларингизга тинчлик-
хотиржамлик, файз-барака тилаймиз!

Байрамона кайфият
сизларга доимо ҳамроҳ бўлсин!

“O`ZBEKTELEKOM” AK
## “ХОРАЗМ ТЕЛЕКОМ”
## ФИЛИАЛИ ЖАМОАСИ

Юртимиз аёлларини
Халқаро хотин-
қизлар куни билан
табриклайди.

Садоқат ва вафода
тенги йўқ аёллар!
Баҳорнинг илк айёми
Сизга бахт ва
саодат келтирсин.

Ҳамиша бахтиёр, гўзал ва
севимли бўлиб юринг!

## “ЎЗБЕКИСТОН ПОЧТАСИ” ОАЖ
## НАМАНГАН ФИЛИАЛИ ЖАМОАСИ

Алоқа соҳасида меҳнат
қилаётган барча аёлларни
гўзаллик байрами
**8 март** – Халқаро хотин-қизлар
куни билан табриклайди.

Сизларга мустаҳкам
соғлиқ ва куч-қувват
тилаймиз.

Ҳаётнинг ҳар лаҳзаси Сизга
қувонч ва омад келтирсин!

“O`ZBEKTELEKOM” AK
## “СУРХОНДАРЁ ТЕЛЕКОМ”
## ФИЛИАЛИ ЖАМОАСИ

Халқаро хотин-қизлар куни
билан барча
аёлларимизни
самимий
муборакбод этади.

*Азиз опа-сингиллар!*
*Ҳеч қачон юзингиздан табассум*
*аримасин, аъло кайфият доимий*
*ҳамроҳингизга айлансин.*

Сизлар билан дунё мунаввар,
Сизлар билан гўзалдир ҳаёт!







## NAZM GULSHANI

### Баҳор

Жуманазар БЕКНАЗАР

Хайр, деди ҳориган қиш,
Лайлак қори охирги фармон,
Кўп уринди оппоқ бояқиш,
Мўл бўлсин, деб ғалладан хирмон.

Қолишликдан топмади маъно,
Чунки тинмас музнинг томчиси,
Тақдирига айтди шукрона,
Шунда кетди аёз қамчиси.

Қўшиқ айтар томчилар "чак-чак",
Тиниқ сувга чўмилар музлар,
Қалтироғин босиб бойчечак,
Қия қирда офтобни кўзлар.

Уҳларидан эсди шамоллар,
Ёмғир бўлиб ёғди терлари,
Қолганларин баҳор амаллар,
Дея кетди келажак сари.

Роса қувнаб сувнинг томчиси,
Куйин бошлар майин, беозор,
Меҳр сезгач Наврўз элчиси,
Кулиб келди дилларга баҳор!



## ЎЗБЕКИСТОН АЛОҚА ВА АХБОРОТЛАШТИРИШ АГЕНТЛИГИ

маълум қиладики, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 22 ноябрдаги "Телекоммуникациялар ва почта алоқаси соҳасида бошқарув тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 458-сонли қарори билан тасдиқланган "Телекоммуникациялар соҳасидаги фаолиятни лицензиялаш тўғрисида низом"нинг 49-бандига асосан "Зарафшон-Нюмонт" Ўзбекистон-Америка қўшма корхонасининг (Навоий вилояти, Зарафшон ш.) маълумотлар узатиш тармоқларини лойиҳалаш, қуриш ва фойдаланиш бўйича фаолиятига берилган АА серияли 0001233 рақамли лицензиясининг амал қилиши 2008 йил 3 мартдан тўхтатилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 22 ноябрдаги "Телекоммуникациялар ва почта алоқаси соҳасида бошқарув тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 458-сонли қарори билан тасдиқланган "Телекоммуникациялар соҳасидаги фаолиятни лицензиялаш тўғрисида низом"нинг 23-бандига асосан "NEW STANDART" масъулияти чекланган жамиятнинг (Тошкент ш.) халқаро телекоммуникация тармоқлари хизматларини кўрсатиш бўйича фаолиятига берилиши белгиланган АА серияли 0002163 рақамли лицензия 2008 йил 3 мартдан бекор қилинди.

## Табриклаймиз!

***"ЎзИ-Қарши" филиали жамоаси 225/00-ЭАТС участка бошлиғи Холиқул ЙЎЛДОШЕВ ҳамда филиалнинг таъминот бўлими ассистенти Баҳодир ТОШТУРДИЕВларни таваллуд топган кунлари билан табриклайди. Уларга омонлик, ишларида ривож, оилаларига тотувлик тилайди.***

***

***"Ўзбекистон почтаси" ОАЖ Қашқадарё филиали Яккабоғ почта алоқаси тармоғи жамоаси тармоқ ходимлари Самандар АЗИЗОВ, Светлана ВАХИТОВА, Саломат ТОШМУРОДОВА ва Фарҳод ЭГАМБЕРДИЕВларни туғилган кунлари муносабати билан табриклайди. Уларга тинчлик-тотувлик, сиҳат-саломатлик, ишларида муваффақиятлар тилаб қолади.***

***

***"Ўзбекистон почтаси" ОАЖ Сурхондарё филиали жамоаси филиалнинг назорат бўйича мутахассиси Адолатхон ХОЛЛИЕВАни ҳамда Узун ва Қумқўрғон туманлари почта алоқаси тармоқларининг ходимлари Нуриддинхўжа НИЁЗОВ, Ихтиёр МАРДАЕВларни таваллуд топган кунлари билан табриклайди. Уларга узоқ умр, сиҳат-саломатлик, хонадонларига тинчлик-хотиржамлик, файз-барака тилайди.***

***

***"Сурхондарё Телеком" филиали жамоаси филиал диспетчерлик бўлими бошлиғи Муҳиддинбек ОМОНОВни таваллуд топган куни билан табриклаб, унга оилавий бахт ва мустаҳкам соғлиқ тилайди.***

***

***"Ўзбекистон почтаси" ОАЖ Қорақалпоқ филиали Элликқалъа почта алоқаси тармоғи жамоаси тармоқ ходимлари Қудрат АБДУЛЛАЕВ ҳамда Умирзоқ ЖУМАГЕЛДИЕВларни таваллуд айёмлари билан муборакбод этади.***



SPORT

## ФУТЗАЛ МУСОБАҚАЛАРИ:

# ҚАЧОН, ҚАЕРДА ВА ҚАЙ ТАРТИБДА?

**Соҳада спортнинг футзал тури тобора оммалашиб бормоқда. Айниқса, Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги ва Республика алоқа ходимлари касаба уюшмаси марказий кенгашининг Кубоги учун кечадиган баҳслар қизғин тус оляпти. Шу сабаб унга бўлган қизиқиш ҳам юқори. Кўп сонли ўқувчиларимиз 2008 йили соҳада ўтказиладиган футзал мусобақалари, янги киритилган қонун-қоидалар ҳақида маълумот беришимизни сўраб, бизга мурожаат қилишмоқда. Ушбу саволларга Ўзбекистон алоқа ходимлари касаба уюшмаси марказий кенгашининг маънавият, маърифат ва спорт ишлари бўйича мутахассиси Суннат Абдуғаниев батафсил жавоб берди:**



– Йиллар давомида орттирилган тажрибадан келиб чиқиб, Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигининг «Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш соҳасида футзал бўйича Кўчма соврин учун 2007 йилда ўтказилган жамоалараро мусобақаларнинг якуний натижалари ҳамда 2008 йилда мусобақаларни юқори савияда ўтказишга доир чора-тадбирлар тўғрисида»ги буйруғи чиқди. Мазкур буйруқда мусобақа Низомига керакли ўзгартиришлар киритиш, 2008 йил мусобақаларини юқори савияда ўтказиш ҳамда муносиб даражада маҳаллий ва республика оммавий ахборот воситаларида кенг ёритиб бориш мақсадида бир қатор масъулларга тегишли вазифалар юклатилди.

Хабарингиз бор, Кубок мусобақалари 2002 йилдан буён республика миқёсида ўтказилиб келинади. Унинг финал ўйинлари эса асосан пойтахтимизда ёки Чирчиқ шаҳрида ташкиллаштирилади. Бунга сабаб, футзал мусобақаларини ўтказиш учун барча талабларга жавоб берадиган спорт залларининг аксарияти Тошкент шаҳрида жойлашгани эди. Бундай спорт заллари мавжуд бўлган вилоят марказларида эса 100-120 футболчини жойлаштириш учун ётоқхона топиш катта муаммо саналарди. Мана шу иккита асосий сабабга кўра, финал ўйинларини кўпинча Тошкентда ўтказишга мажбур бўлар эдик.

Кейинги 3-4 йил мобайнида республикамиз вилоят марказларида кўплаб спорт иншоотлари қурилди. Бу соҳа кубоги учун футзал мусобақаларининг финал босқич ўйинларини вилоят марказларида ўтказишга замин яратди.

Табиийки, юқорида тилга олинган Агентлик буйруғида ҳам ушбу ҳолат ўз аксини топди. Мазкур буйруққа биноан эндиликда финал босқичи ўйинлари ўтказиладиган шаҳар барча шароитлар мавжудлиги эътиборга олинган ҳолда, ташкилий қўмита томонидан қуръа ташлаш усулида аниқланади. Шундай қилиб, Тошкент шаҳри жамоаларининг финал ўйинларига «мунтазам мезбон» бўлишларига якун ясалди, десак ҳам бўлади.

2008 йили ўтказиладиган спорт тадбирлари жадвалига тўхталадиган бўлсак, 19 январдан бошлаб Ўзбекистон Миллий университетининг спорт залида "Тошкент шаҳар телефон тармоғи" филиалининг биринчилиги бўлиб ўтмоқда. Пойтахтимизнинг барча телекоммуникациялар боғламалари (жами 10 жамоа) иштирок этаётган бу мусобақалар 15 мартга қадар давом этади.

18-23 феврал кунлари Тошкент Давлат авиация институтида футзал бўйича олий ва биринчи лига ўйинчилари билан кучайтирилган ҳаваскор жамоалар ўртасида тижорат турнири бўлиб ўтди. Ҳаваскор жамоалар ўртасида биринчи ўринни «Тошкент Телеком» ўйинчилари билан кучайтирилган ТШТТ жамоаси, иккинчи ўринни эса ШАК жамоаси эгаллади.

20-23 март кунлари Самарқанд шаҳрида «ДЎСТЛИК» кубоги учун мусобақалар ўтказиш режалаштирилмоқда. Шу кунга келиб, соҳамизнинг энг кучли жамоалари қаторидан жой олган ТШТТ, ШАК, БИЛАЙН, «Самарқанд Телеком», Тошкентнинг «Алоқабанк», Навоийнинг «Алоқабанк», "Наманган Телеком", "Қорақалпоқ Телеком" жамоалари мазкур мусобақаларда иштирок этиш истагини билдирдилар.

Апрел ойида анъанавий «Ўзбектелеком» АК кўчма кубоги учун футзал бўйича мусобақалар бўлиб ўтади. Ушбу мусобақаларда компаниянинг филиаллари жамоалари иштирок этадилар.

Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги ва Ўзбекистон алоқа ходимлари касаба уюшмаси марказий кенгаши Кубоги учун футзал мусобақаларининг саралаш ўйинлари апрел-август ойлари давомида, финал ўйинлари эса сентябр-октябр ойларида ўтади.

Сўнгги йилларда Халқаро футбол ассоциациялари федерацияси томонидан тасдиқланган футзал қоидаларига бир қанча ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритилган.

Жумладан, ўйин майдончаси ўлчамига бўлган талаблар ўзгарган. Аввал халқаро ўйинларни ўтказиш учун майдончанинг минимал ўлчами 18х36 метр, максимал ўлчами эса 20х40 метр бўлиши шарт эди.

Ҳозирги кунда халқаро ўйинларни ўтказиш учун майдончанинг минимал ўлчами 18х38 метр, максимал ўлчами эса 25х42 метр қилиб белгиланган.

Қоидаларга киритилган сезиларли ўзгартиришлардан яна бири бу – бир дақиқали тайм-аут олинганида жамоалар ўйин майдончасини тарк этиши ва тайм-аут мобайнида ўйинчиларни чекланмаган ҳолда алмаштиришга рухсат берилганлигидир.

Янгиликлардан яна бири – «Устунлик тамойили» (принцип преимущества)ни қўллаш бўйича тушунтиришдир. Масалан: тўпни эгаллаб, рақиб дарвозаси томон ҳаракатланаётган ўйинчига қарши қоида бузилди, бироқ ўйинчи йиқилмади ва ҳужумни давом эттирди. Илгари бу ҳолатда ҳакам, «устунлик тамойили»ни қўллаган ҳолда, тўпни эгаллаб турган ўйинчига ҳужумни давом этишига имкон бериб, ўйинни тўхтатмас ва қоидани бузган ўйинчига нисбатан, жарима қўлламас эди. ФИФАнинг «2006 йилдаги мини футбол (футзал) қоидаларига қўшимчалар ва тушунтиришлар»ига асосан эндиликда бундай вазиятда ҳакам «устунлик тамойили»ни қўллаб, ҳужумни давом этишга имконият берса, ўйин тўхтаганидан сўнг техник протоколга ва таблога қоидани бузган жамоага «фол» киритади, агар шу ҳужум давомида икки маротаба қоида бузилган бўлса, иккита фол киритади.

Бундан ташқари, агар қоидани бузган жамоанинг шу ўйин палласи давомида олган фоллари бешта ёки ундан ортиқ бўлса, «устунлик тамойили» фақат мустасно ҳолатларда, яъни жамоа рақиб дарвозасини ишғол қилишга яққол имконияти мавжуд бўлган ҳоллардагина берилади. Агар қоида жарима майдончасининг ичида бузилган бўлса «устунлик тамойили» қўлланилмайди.

Футзал қоидаларига киритилган барча қўшимчалар, ўзгартиришларни газета орқали бериш имкони йўқ. Соҳа ходимлари футзал қоидаларининг охирги таҳририни олиш ниятида бўлишса, sunnat@uzpak.uz электрон манзилига мурожаат қилишлари мумкин.

***Лутфилло ТУРСУНОВ***
***ёзиб олди***

## Ўтганларнинг охирати обод бўлсин

"Ўзбекистон почтаси" ОАЖ "Тошкент почтамти" филиали жамоаси Чилонзор туманлараро почта алоқаси тармоғи бошлиғи Тамара Ҳусаиновага турмуш ўртоғи **Турсунбой ҲУСАИНОВ**нинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

Электромагнит мослашув маркази жамоаси марказнинг Сурхондарё вилояти электромагнит мослашув хизмати бошлиғи Зоиджон Аҳмедовга онаси **Мукаррамби РАҲИМЖОНОВА**нинг вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик изҳор этади.

Давлат алоқа инспекцияси жамоаси Самарқанд вилоят Давлат алоқа инспекцияси ходими Рустам Абдураҳмоновга волидаи муҳтарамаси **Марҳабо она**нинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.


Xabar

МУАССИС:

ЎЗБЕКИСТОН АЛОҚА ВА АХБОРОТЛАШТИРИШ АГЕНТЛИГИ

Бош муҳаррир:
Абдусаид КЎЧИМОВ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:
Абдуғани АБДУРАҲМОНОВ (Бош муҳаррир ўринбосари)
Бахтиёр КУБЕЕВ
Шомансур ОБИДХЎЖАЕВ
Миродил САНГИЛОВ
Шуҳрат СОДИҚОВ
Лутфилло ТУРСУНОВ (масъул котиб)
Асаджон ХЎЖАЕВ
Рустам ҚОСИМОВ
Содиқжон ҚОСИМОВ

Газета Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигида 0016 рақами билан рўйхатга олинган.

МАНЗИЛИМИЗ:

100060, Тошкент-60,
Т. Шевченко кўчаси, 17-уй.
Тел.: 233-36-48; 236-35-29.
Факс: 236-36-42.
E-mail: *orif@infonet.uz*



Таҳририятга келган қўлёзма ва суратлар эгаларига қайтарилмайди.

**Муаллифларнинг фикрлари таҳририят фикридан фарқланиши мумкин.**

Нашримиздан кўчириб босилганда "Xabar"дан олинганлиги кўрсатилиши шарт.

**Тижорий материал —** Ⓣ

Реклама матнларининг тўғрилигига таҳририят жавобгар эмас.

**Рақам ва далилларнинг ҳаққонийлиги учун мақола муаллифи масъулдир.**

Газетани тайёрлашда Интернет материалларидан ҳам фойдаланилади.



"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
**Манзил:** Тошкент шаҳри, "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй.

253-G сонли буюртма.
Офсет усулида босилди.
Қоғоз бичими А-3, ҳажми 4 босма табоқ.
Адади: 14725 нусха.

Газета таҳририят компютер базасида терилди ва саҳифаланди.

Дизайнер: **Аслиддин БЎРИЕВ.**
Матн терувчи: **Дилфуза МАТҚУРБОНОВА.**

**Ахборот ҳамкоримиз: UZINFOCOM маркази.**

Босишга топширилди — 20.00.
Босишга топширилиш вақти — 20.00.
1 2 3 4 5 6 8


| Вилоят мухбирлари: | Андижонда | Бухорода | Гулистонда | Жиззахда | Навоийда | Наманганда | Нукусда | Самарқандда | Термизда | Тошкентда | Урганчда | Фарғонада | Қаршида |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | 226-47-80 | 223-27-85 | 40-12-19 | 226-60-92 | 225-91-10 | 226-61-85 | 217-26-63 | 234-06-71 | 224-06-12 | 233-36-48 | 226-43-13 | 226-87-71 | 224-08-99 |

# Пойтахтимизда Ўзбекистон халқ шоираси Зулфия ҳайкали очилди



**Баҳорнинг илк куни — Зулфия таваллуд топган айёмда ардоқли шоира ҳайкали ўрнатилган хиёбон байрамона кўркка бурканди. Бу ерга давлат ва жамоат ташкилотлари раҳбарлари, шоир ва ёзувчилар, Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндорлари, шоиранинг мухлислари ва фарзандлари, жамоатчилик вакиллари йиғилди.**

**Тадбир иштирокчилари Зулфия ҳайкали пойига гулчамбарлар қўйдилар. Эндиликда санъат ва адабиёт, ёшлик ва гўзаллик нафаси уфуриб турган бу файзли хиёбон наинки буюк шоира хотирасига, айни чоғда муқаддас аёл зотига ҳурмат бажо келтириладиган табаррук қадамжога айланажак.**

TO'YXAT

# О, ҚАНЧАЛАР ГЎЗАЛСАН, ҲАЁТ!

— Ҳар кун ишхонамга келиб Манзурахон опам билан кўришар эканман, "Ҳаёт нақадар гўзал" деган фикр хаёлимдан ўтади. Бўлмасам-чи, кундалик ҳаётимизни уларсиз тасаввур этиб бўладими? Йўқ, албатта. Улар ўзларининг қалб саховати, меҳр-муруввати билан дилларимизга олижаноб туйғуларни тўлдириб яшайдилар...

Дилоромхон ҳаммага бирдек азиз бўлиб қолган Манзурахон опа ҳақида эҳтиром билан сўз бошлаган эди, Қимматхон ҳам маъқуллади.

Умуман, нафақат Водилимизда, балки вилоят почтачилари орасида яхши инсон, зукко ҳисобчи сифатида опамизнинг обрўйи баланд. Биз опамиз билан ҳақли равишда фахрланамиз.

— Почтачи фахрийларимиз ҳам опамизни жуда яхши кўришади. "Манзурахонни кўриб кетай дедим", дея кириб келишади. Сабаби, ҳаммасига яхшилиги теккан, унутишмайди, — тасдиқлайди Дилбархон.

Фарғона тумани почта алоқаси тармоғи бошлиғи Латифжон Шокиров ҳам ўз фикрини билдирди.

— Опа бутун умрини, билими ва кучқувватини почта алоқасини ривожлантиришга бахшида этиб келмоқда. Шиори — ҳалоллик, виждонлилик! Ҳаммадан шуни талаб қилади.

Ҳа, Манзурахон опа фидойилиги, меҳрибонлиги билан ҳаммага манзур. Ота-онаси ҳаётдан эрта кўз юмгач, тўнғич қиз эмасми, ота-она бурчини ҳам бажарди. Жигарбандлари, Замирахон, Ироdaхон, Қаҳрамонларни ўқитди, ҳунарли қилди, уйлаб-жойлади. Бойлик кетидан қувмади. Ота-онасидан қолган уйда, мўъжазгина ҳовлида яшайди. Бўш вақт топса томорқасида куймаланади. Малина етиштиради. Ваҳоланки, Манзурахон опа Худойназарова 35 йиллик ҳисобчи. Бош ҳисобчилик лавозимини ёруғ юз билан бажариб келаётганига эса чорак асрдан ошди.

Дилоромхон Ҳомидова, Одинахон Тешабоева, Дилбархон Зокирова, Давлатёр Абдупаттоев, Нилуфархон Миллабоева, Қимматхон Умарова... Умуман, ишхонада барча Манзурахон опани туғишган опасидай кўришади. Сабаби оддий: у ҳаммага ўз жигарбандидек муносабатда бўлади. Зарур вақтда ёрдам қўлини чўзади, билим-тажрибасини аямай ўргатади, меҳри билан дилни нурафшон этади.

Баҳорнинг иккинчи куни... Бу жуда кўп алоқачилар учун ҳам гўзал кун. Шу латофатли кунда туғилганлар орасида Манзурахон опа ҳам бор. Бугун опани "Ўзбекистон почтаси" Фарғона филиали раҳбарияти, азиз ва жонажон жамоаси, опа-укалари 55 ёши билан қутлашмоқда.

Манзурахон опа, сизни барчага бирдек манзурлик мақоми асло тарк этмасин. Ҳаёт, сиз туфайли гўзал, фараҳбахш кўринадиган инсонлар иқболи учун ҳорманг, бор бўлинг!

***Ҳафиза САЛЯҲОВА***

• Фикр

**Табиат аёлга шундай дейди: уддасидан чиқсанг гўзал бўл, хоҳласанг оқила бўл, аммо идрокли бўлмоғинг шарт.**

**П.БОМАРШЕ**

